

**АБУ АЛИ ИБН СИНО НОМИДАГИ БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ  
ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.04/29.02.2024.Tib.93.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**АБУ АЛИ ИБН СИНО НОМИДАГИ БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ  
ИНСТИТУТИ**

**УМАРҚУЛОВА ГУЛБАҲОР АЛИШЕРОВНА**

**ГИПЕРТИРЕОИД ҲОЛАТДА БУЙРАК УСТИ БЕЗЛАРИНИНГ  
МОРФОЛОГИК КЎРСАТКИЧЛАРИ ВА БУНДА ЗАЙТУН МОЙИ ҲАМДА  
СЕЛЕН ҚЎЛЛАНИЛИШИ**

**14.00.02 – Морфология**

**Тиббиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Бухоро – 2025**

**Тиббиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)  
по медицинским наукам**

**Contents of dissertation abstract of Doctor of Philosophy (PhD)  
on Medical Sciences**

**Умаркулова Гулбахор Алишеровна**

Гипертиреоид ҳолатда бўйрак усти безларининг морфологик  
кўрсаткичлари ва бунда зайтун мойи ҳамда селен қўлланилиши..... 3

**Умаркулова Гулбахор Алишеровна**

Морфологические показатели надпочечников при гипертиреоидном  
состоянии и введение при этом оливкового масла и селена..... 25

**Umarkulova Gulbahor Alisherovna**

Morphological parameters of the adrenal glands in hyperthyroid condition and  
administration of olive oil and selenium..... 45

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published papers..... 48

**АБУ АЛИ ИБН СИНО НОМИДАГИ БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ  
ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.04/29.02.2024.Tib.93.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**АБУ АЛИ ИБН СИНО НОМИДАГИ БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ  
ИНСТИТУТИ**

**УМАРҚУЛОВА ГУЛБАҲОР АЛИШЕРОВНА**

**ГИПЕРТИРЕОИД ҲОЛАТДА БУЙРАК УСТИ БЕЗЛАРИНИНГ  
МОРФОЛОГИК КЎРСАТКИЧЛАРИ ВА БУНДА ЗАЙТУН МОЙИ ҲАМДА  
СЕЛЕН ҚЎЛЛАНИЛИШИ**

**14.00.02 – Морфология**

**Тиббиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Бухоро – 2025**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2023.3.PhD/Tib3717 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Абу Али ибн Сино номидаги Бухоро давлат тиббиёт институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб саҳифасида [www.bsmi.uz](http://www.bsmi.uz) ва «Ziyonet» Ахборот-таълим порталида ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Ильясов Азиз Саидмуратович**  
биология фанлари доктори

**Расмий оппонентлар:**

**Рахматова Муқаддас Холтаевна**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Ахмедова Сайёра Мухаммадовна**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Етакчи ташкилот:**

**Хожа Аҳмад Яссавий номидаги қozoқ-турк университети (Қozoғистон республикаси)**

Диссертация химояси Бухоро давлат тиббиёт институти ҳузуридаги DSc.04/29.02.2024.Tib.93.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2025 йил 18 август соат 11<sup>30</sup> даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 200126, Бухоро шаҳри, Ғиждувон кўчаси, 23-уй. Тел.: (+998-95) 911-00-50. e-mail: [info@bsmi.uz](mailto:info@bsmi.uz)).

Диссертация билан Бухоро давлат тиббиёт институти ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_ рақам билан рўйхатга олинган) (Манзил: 200126, Бухоро шаҳри, Ғиждувон кўчаси, 12-уй).

Диссертация автореферати 2025 йил 8 август куни тарқатилган.

(2025 йил 8 августдаги 43-рақамли реестр баённомаси)

**Ш.Ж. Тешаев**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Н.Қ. Дўстова**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори (DSc)

**А.Р. Облоқулов**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги Илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, доцент

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD)диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти.** Дунёда қалқонсимон без фаолияти бузилиши ва унинг асоратлари билан боғлиқ касалликлар кенг тарқалган. Бу патология, айниқса, организмнинг нормал ҳаётий фаолияти учун муҳим бўлган йод моддасининг атроф-муҳитдаги мувозанати бузилиши натижасида юзага келади. Буйрак усти безлари организмнинг ўсиши, ривожланиши, кўпайиш жараёни ва ташқи муҳит ўзгаришларига мослашув каби ҳаётий муҳим жараёнларни бошқариш ва амалга оширишда марказий ўринни эгаллайди. Шунингдек, у организмнинг ноқулай шароитларга қарши курашиш қобилиятини сақлаб қолишда асосий вазифани бажаради. Йод танқислигига қарши кўп йиллик курашга қарамай, бу муаммоларга ечим топиш долзарблигини сақлаб қолмоқда.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра, дунёда қалқонсимон без патологияси билан 750 миллиондан ортиқ одам жабр кўради. Қалқонсимон без касалликлари орасида эса диффуз ва аралаш токсик бўқоқ билан оғриган беморлар биринчи ўринни эгаллайди, «Американинг айрим ҳудудларида гипертиреозид ҳолат касаллиги 20 ёшдан 50 ёшгача бўлган одамларда энг юқори даражага етади»<sup>1</sup>. Касалликларнинг камайишига доир тамойиллар кузатилмагани ва айрим эндемик ҳудудларда касаллик кўрсаткичлари ҳар 100 000 аҳолига 1,2 дан 9,0 гача ўзгариб тургани боис, қалқонсимон без патологиялари Ўзбекистонда ҳам жиддий тиббий ва ижтимоий муаммо бўлиб қолмоқда.

Мамлакатимизда тиббиёт тизимини жаҳон стандартларига мувофиқлаштириш, касалликлар ва уларнинг асоратларини камайтириш, шунингдек, уларнинг олдини олиш бўйича катта ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, диффуз токсик бўқоқ оқибатларини бартараф этишда «...тиббий ёрдамнинг самарадорлиги, сифатини оширишга қаратилган комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш, соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ҳамда касалликларни профилактика қилиш, жумладан, тиббий стандартлаш тизимини шакллантириш, юқори технологияли диагностика ва даволаш усуллари жорий этиш, патронаж ва диспансеризациянинг самарали моделларини яратиш...»<sup>2</sup> муҳим аҳамият касб этади. Бу чора-тадбирлар диффуз токсик зоб ва унинг асоратларидан келиб чиққан ногиронлик ва ўлим ҳолатларини камайтиришга хизмат қилади. Тиббий хизмат кўрсатиш даражасини ошириш эса замонавий технологияларни тиббий сервис, диагностика, даволаш ва профилактикада самарали қўллаш имконини беради.

Бу диссертация тадқиқоти ўзининг мақсад ва вазифалари билан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ 60-сонли «Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси» тўғрисидаги Фармони, «Аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги тўғрисида»<sup>3</sup>ги Қонуни, 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони, 2021 йил 28 июлдаги

<sup>1</sup> Devereaux D, Tewelde S.Z. Hyperthyroidism and thyrotoxicosis. Emerg Med Clin North Am. 2014 May.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида” ги фармони. <https://lex.uz/docs/4096197>

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022 — 2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги Фармони // <https://lex.uz/docs/5841063>.

ПҚ-5199-сонли “Соғлиқни сақлаш соҳасида ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори, шунингдек, 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сонли “Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони ва ушбу соҳада қабул қилинган бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ижросини таъминлашга ҳисса қўшади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устивор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Маълумки, организмнинг ҳимоя-мослашув ва адаптация реакцияларини шакллантиришда эндокрин бошқарув органлари, аввало, буйрак усти безининг асосий роли катта. Ташқи муҳит шароитларининг ҳар қандай ўзгариши, метаболизмнинг кучайишини талаб қилувчи, буйрак усти безининг тузилмавий-функционал фаолиятига маълум даражада таъсир кўрсатади. Олимлар маълумотларига кўра, хлорпирифос орқали чақирилган токсик бўқоқга қарши имбир экстракти ва селеннинг ижобий таъсири аниқланган (Нанан I. ва бошқалар 2021). Муаллифлар фикрига кўра, хлорпирифос буйрак усти безлари тузилиши ва функциясига ҳам салбий таъсир кўрсатади, лекин имбир ва селен юбориш орқали бу салбий таъсирларни бартараф этиш мумкин. Исботланганки, тиреоид гормонлари буйрак усти безларининг фаолиятида муҳим метаболик модификатор бўлиб, улар нафақат энергетик, углевод, сув, туз, ва оқсил алмашинувини, балки оксидланиш-қайтарилиш реакцияларини ҳам бошқаради (Zarkovic N., 2020).

Олимларнинг тадқиқотларига кўра, гипертиреоид ҳолат шароитида 7-кунга келиб, буйрак усти безларида мўътадил периваскуляр шиш ва қон томирларининг тўлиб кетиши кузатилган. Буйрак усти беzi пустлоқ ва мағиз қаватларида тузилмавий ўзгаришлар аниқланмаган (Боташева В.С., Шапошников Б.С., 2017). Хозиргача илмий адабиётларда буйрак усти безлари ва руҳий ҳолат ўртасидаги ўзаро икки томонлама боғлиқликни кўрсатувчи маълумотлар етарли даражада тўпланмаган (Горобец Л.Н., 2018).

Профессор Қ.Р. Тўхтаев, Н.Б. Зокирова ишларида пестицидларнинг қалқонсимон без ва буйрак усти беzi пўстлоқ қаватининг функционал ҳолатига таъсири кўрсатиб берилган. Ҳамюртларимизнинг тадқиқотлари шуни кўрсатдики, дефолиант (магний хлорат) нинг битта инъекцияси буйрак усти беzi хужайраларида структуравий, гемодинамик бузилишлар ва дистрофик ўзгаришларга олиб келади (Норжигитов А.Т., Исламов Ш.Э., Ёқубов М.З. 2021).

Юртимиз олимларнинг фикрига кўра, чап ва ўнг буйрак усти безларининг тузилмавий-функционал қисмларида турли даражадаги ўзгаришлар контралатерал безларнинг адаптация реакциясида турлича ҳисса қўшаётганини кўрсатади. Бу эса буйрак усти безларининг стрессорларга асинхрон жавоб бериш концепциясига мувофиқдир (Юсупова А.А., Ващенко Г.А. 2023).

Адабиёт маълумотларини ўрганиш шуни кўрсатдики, гипертиреоид ҳолат шароитида қалқонсимон без гормонларининг кўпайиши аъзолар ва тўқималар тўзилмаларига салбий таъсир кўрсатади. Лекин адабиётда гипертиреоид ҳолат каламушлар буйрак усти безлари морфологик кўрсаткичларига таъсири ва унинг коррекцияси ҳақида маълумотлар етарли эмас.

**Диссертация тадқиқоти мавзуси диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режаси билан боғлиқлиги.** Диссертация иши Бухоро давлат тиббиёт институтининг илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ равишда "COVID-19 дан кейин Бухоро вилояти аҳолисининг саломатлигига таъсир қилувчи организмнинг патологик ҳолатларини эрта ташхислаш, даволаш ва профилактика қилишнинг янги ёндашувларини ишлаб чиқиш (2022-2026 йиллар)" мавзусида бажарилган.

**Тадқиқот мақсади** гипертиреоид ҳолат шароитида каламушлар буйрак усти безлари морфофункционал кўрсаткичларини ўрганиш ва уларни зайтун мойи ҳамда селен билан ҳимоя қилишдан иборат.

**Тадқиқот вазифалари:**

гипертиреоид ҳолатида ва зайтун мойи ҳамда селен қўлланилганда каламушлар буйрак усти безларининг тузилмавий элементларининг морфометрик параметрларини ўрганиш;

гипертиреоид ҳолатини моделлаштирилганда ва биологик фаол кўшимчалар зайтун мойи ва селен қўлланилгандан сўнг каламушлар буйрак усти безларидаги ҳужайравий тузилмалар ва микроконтомирлардаги ўзгаришларни ўрганиш;

гипертиреоид ҳолатида ва селен қўлланилгандан сўнг қондаги гормонал ўзгаришларни (ТТГ, Т4 (эркин), кортизол) аниқлаш;

гипертиреоид ҳолатида ва селен қўлланилгандан сўнг каламушлар буйрак усти безларининг тузилмавий элементларидаги морфологик ўзгаришларни, иммуногистокимёвий кўрсаткичлар (Кi-67, толуидин кўки ва синаптофизин) билан солиштириш.

**Тадқиқот объекти:** тадқиқот учун 95 та оқ зотсиз, репродуктив ёшдаги (3 ойлик - 90 кунлик), оғирлиги 200-250 грамм бўлган эркак каламушларда амалга оширилди. Жониворлар тўртта гуруҳга бўлинди. Назорат гуруҳига 20 та каламуш киритилди. Қолган 75 та каламушлар 3 гуруҳга ажратилди.

**Тадқиқот предмети:** буйрак усти безларининг гистологик материаллари ва лаборатор каламушларининг веноз қони.

**Тадқиқот усуллари:** қўйилган вазифаларни ҳал қилиш ва тадқиқот мақсадига эришиш учун экспериментал, гистологик, иммуно-гистокимёвий, иммунохемилюминесцент, морфометрик ва статистик усуллар қўлланилди.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги:**

илк бор гипертиреоид ҳолатида буйрак усти безларидаги структуравий ўзгаришларидан капсула қалинлашуви, қаватларининг гиперплазияси ва микрокон томирларининг қайта шаклланиши кузатилиб, зайтун мойи ва селен қўлланилганда нормаллаштирувчи таъсир кўрсатди ва бунда селеннинг таъсири устун эканлиги аниқланган;

илк бор гипертиреоид ҳолатда буйрак усти безлари пўстлоқ қаватидаги эндокриноцитлар сони ва мағиз қаватидаги хромаффин ҳужайралар сонининг кескин камайиши аниқланган;

илк бор гипертиреоид ҳолатида тиреоид гормонларининг юқори даражасига қарамасдан, қондаги кортизол даражасининг пасайиши аниқланган булиб, селен таъсирида кортизол даражаси нормал кўрсаткичларгача тикланиши, бироқ тиреоид гормонлари кўрсаткичлари сезиларли ўзгармаганлиги исботланган;

илк бор гипертиреоид ҳолатида селен таъсирида буйрак усти безлари

хужайраларининг иммуногистохимёвий маркерлар ёрдамида (Ki-67 ва синаптофизин) пролифератив фаолияти ва нейроэндокрин дифференциаланишининг нормаллашуви аниқланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** гипертиреоид ҳолатининг буйрак усти безларининг тузилмавий-функциявий ҳолатига таъсир даражасини аниқлаш бўйича тадқиқот ўтказиш усули ишлаб чиқилди ва амалиётдаги соғлиқни сақлаш тизими учун тавсия этилди. Левотироксин натрий таъсиридаги оқ зотсиз каламушлар буйрак усти безларининг морфометрик хусусиятлари ўрганилди ва зайтун мойи ҳамда селен орқали уларни тузатиш имкониятлари таққосланди.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** замонавий морфологик, гистохимик, морфометрик, статистик усуллар ва спектрал таҳлилдан фойдаланилганлиги, етарли клиник, инструментал ва экспериментал материаллар мавжудлиги, олинган натижаларнинг назарий ва амалий жиҳатдан таҳлил қилинганлиги, маҳаллий ва хорижий муаллифлар илмий ишлари билан таққосланган ҳолда хулосаларнинг ишончлилиги, шунингдек, ушбу натижалар ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги натижаларнинг ишончлилигини таъминлайди.

#### **Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.**

Олинган натижалар гипертиреоид ҳолатининг буйрак усти безлари ва уларнинг қон томирларига салбий таъсири ҳақидаги маълумотларни кенгайтиради ҳамда парҳезга қўшилган селен биологик фаол қўшимчаларининг химоявий таъсири тўғрисидаги маълумотларни тўлдиради.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти олинган маълумотлар асосида морфологлар учун гипертиреоид ҳолатининг асоратларини эрта аниқлашни баҳолашни яхшилаш бўйича амалий тавсиялар ишлаб чиқилди.

#### **Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.**

Беморларда гипертиреоид ҳолат таъсирида буйрак усти беги тўқималаридаги морфологик ўзгаришларнинг морфологик, замонавий гистохимёвий, иммуногистохимёвий, лаборатория тадқиқотларини қиёсий таҳлил қилиш натижасида олинган илмий натижаларга асосланиб:

*биринчи илмий янгилик:* илк бор гипертиреоид ҳолатида буйрак усти безларидаги структуравий ўзгаришларидан капсула қалинлашуви, қаватларининг гиперплазияси ва микроқонтомирларининг қайта шаклланиши кузатилиб, зайтун мойи ва селен қўлланилганда нормаллаштирувчи таъсир кўрсатди ва бунда селеннинг ижобий таъсири устун эканлигини таъсири кўрсатди. Ушбу ўзгаришлар Бухоро давлат тиббиёт институти эксперт комиссиясининг 2024 йил 13 майдаги №24m/105 хужжати асосида тасдиқланган «Экспириментал тиреотоксикозда буйрак усти безларини тиклашда биологик фаол қўшимчаларнинг роли» мавзусидаги услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Услубий кўрсатмалар буйрак усти безлари морфометрия параметрларини аниқлаш, уларни гипертиреоид ҳолат таъсири ва турли даволаш усуллари билан таққослаш имконини яратган. Тадқиқот натижалари РИЭИАТМ Жиззах филиали (18.10.2024 йил 68-сонли) буйруғи билан ва Жиззах вилоят кўп тармоқли тиббиёт маркази (18.10.2024 йил 43-сонли) буйруғи билан амалиётга татбиқ этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий техник кенгашининг 2024 йил 12 декабрдаги 10/23-сон хулосаси). *Ижтимоий самарадорлиги:* илк бор гипертиреоид ҳолатида буйрак усти безларидаги

структуравий ўзгаришларидан капсула қалинлашуви, қаватларининг гиперплазияси ва микроқонтомирларининг қайта шаклланиши кузатилиб, зайтун мойи ва селен қўлланилганда нормаллаштирувчи таъсир кўрсатди ва бунда селеннинг таъсири устун эканлиги гипертиреоид ҳолатда буйрак усти безлари структурасидаги морфологик ўзгаришларни эрта аниқлаш, асоратларнинг олдини олиш ҳамда касалликдан келиб чиқадиган ўлим ҳолатларини камайтиришга эришилди. *Иқтисодий самарадорлиги:* гипертиреоид ҳолат чақирилган сўнг, буйрак усти безларида морфологик ўзгаришлар бошланишини ҳисобга олиб ҳамда тизимли яллиғланиш предикторларининг юқори бўлиши буйрак усти безида патологик жараён ривожланишига сабаб бўлишини инobatга олган ҳолда, ўз вақтида реабилитацион даво муолажаларини ўтказиш туфайли буйрак усти бези касалликлари ривожланиши олди олиниши ҳисобига иқтисодий жиҳатдан тежамкорликка эришилди;

*иккинчи илмий янгилик:* гипертиреоид ҳолатида буйрак усти безларидаги микроскопик ўзгаришлар пўстлоқ қаватидаги эндокриноцитлар сони ва мағиз қаватидаги хромаффин хужайралар сонининг камайиши билан ифодаланган. Ушбу ўзгаришлар Бухоро давлат тиббиёт институти эксперт комиссиясининг 2024 йил 13 майдаги №24m/105 ҳужжати асосида тасдиқланган «Экспериментал тиреотоксикозда буйрак усти безларини тиклашда биологик фаол қўшимчаларнинг роли» мавзусидаги услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Услубий кўрсатмалар буйрак усти безлари морфометрия параметрларини аниқлаш, уларни гипертиреоид ҳолат таъсири ва турли даволаш усуллари билан таққослаш имконини яратган. Тадқиқот натижалари РИЭИАТМ Жиззах филиали (18.10.2024 йил 68-сонли) буйруғи билан ва Жиззах вилоят кўп тармоқли тиббиёт маркази (18.10.2024 йил 43-сонли) буйруғи билан амалиётга татбиқ этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий техник кенгашининг 2024 йил 12 декабрдаги 10/23-сон хулосаси). *Ижтимоий самарадорлиги:* гипертиреоид ҳолатида буйрак усти безларидаги микроскопик ўзгаришлар пўстлоқ қаватидаги эндокриноцитлар сони ва мағиз қаватидаги хромаффин хужайралар сонининг камайиши, мақсадли ҳимоялаш ва профилактика тадбирларини белгилаш учун хизмат қилади. *Иқтисодий самарадорлиги:* ишлаб чиқилган махсус алгоритм ёрдамида аҳоли ўртасида амбулатория шароитида гипертиреоид ҳолатида буйрак усти безига асоратини олдини олишни оптималлаштириш бўйича таклиф қилинган услубий тавсиялар беморларни қиёсий соғломлаштириш билан боғлиқ профилактика ишларини бажариш натижасида иқтисодий самарадорликка эришилган;

*учинчи илмий янгилик:* гипертиреоид ҳолатида тиреоид гормонларининг юқори даражасига қарамасдан, қондаги кортизол даражасининг пасайиши аниқланган бўлиб, селен таъсирида кортизол даражаси нормал кўрсаткичларгача тикланиши, бироқ тиреоид гормонлари кўрсаткичлари сезиларли ўзгармаганлиги исботланганлиги тўғрисидаги тадқиқот натижалари «Экспериментал тиреотоксикозда буйрак усти безларини тиклашда биологик фаол қўшимчаларнинг роли» мавзусидаги услубий тавсиянома Бухоро давлат тиббиёт институти эксперт комиссиясининг 2024 йил 13 май №24m/105 сонли ҳужжати асосида тасдиқланган. Тадқиқот натижалари РИЭИАТМ Жиззах филиали (18.10.2024 йил 68-сонли) буйруғи билан ва Жиззах вилоят кўп тармоқли тиббиёт маркази (18.10.2024 йил 43-сонли) буйруғи билан амалиётга татбиқ

этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий техник кенгашининг 2024 йил 12 декабрдаги 10/23-сон хулосаси). *Ижтимоий самарадорлиги:* Гипертиреоид ҳолат билан касалланган беморларда буйрак усти безидаги патологик ҳолатларнинг келиб чиқишидаги аҳамиятини ўрганиш натижасида қондаги кортизол даражасининг пасайиши аниқланган бўлиб, селен таъсирида кортизол даражаси нормал кўрсаткичларгача тикланиши, хасталикни эрта ташхислаш орқали унинг натижасида юзага келадиган асоратларнинг олдини олишга шароит яратилганлиги ва хасталикни самарли даволаш тизимини шакллантиришга асос бўлиш ва беморларнинг ҳаёт сифатини яхшилаш ва ногиронликни олдини олишга асос бўлган. *Иқтисодий самарадорлиги:* Гипертиреоид ҳолатдан сўнг организмда тизимли яллиғланиш жараёнлари юқори бўлиши буйрак усти безида патологик жараён ривожланишига сабаб бўлишини инобатга олган ҳолда, ўз вақтида реабилитацион даво муолажаларини ўтказиш туфайли буйрак усти бези гормонларида бузилишининг ривожланиши олди олинишига эришилган;

*тўртинчи илмий янгилик:* гипертиреоид ҳолатида селен таъсирида буйрак усти безлари ҳужайраларининг иммуногистокимёвий маркерлар ёрдамида (Ki-67 ва синаптофизин) пролифератив фаолияти ва нейроэндокрин дифференцияланишининг нормаллашуви аниқланиши «Экспериментал тиреотоксикозда буйрак усти безларини тиклашда биологик фаол қўшимчаларнинг роли» мавзусидаги услубий тавсиянома Бухоро давлат тиббиёт институти эксперт комиссиясининг 2024 йил 13 майдаги №24m/105 сонли ҳужжати асосида тасдиқланган. Тадқиқот натижалари РИЭИАТМ Жиззах филиали (18.10.2024 йил 68-сонли) буйруғи билан ва Жиззах вилоят кўп тармоқли тиббиёт маркази (18.10.2024 йил 43-сонли) буйруғи билан амалиётга татбиқ этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий техник кенгашининг 2024 йил 12 декабрдаги 10/23-сон хулосаси). *Ижтимоий самарадорлиги:* илк бор гипертиреоид ҳолатида буйрак усти безларидаги структуравий ўзгаришларидан капсула қалинлашуви, қаватларининг гиперплазияси ва микроқонтомирларининг қайта шаклланиши кузатилиб, зайтун мойи ва селен қўлланилганда нормаллаштирувчи таъсир кўрсатди ва бунда селеннинг таъсири устун эканлиги гипертиреоид ҳолатда буйрак усти безлари структурасидаги морфологик ўзгаришларни эрта аниқлаш, асоратларнинг олдини олиш ҳамда касалликдан келиб чиқадиган ўлим ҳолатларини камайтиришга эришилган. *Иқтисодий самарадорлиги:* гипертиреоид ҳолат чакирилгандан сўнг буйрак усти безларида морфологик ўзгаришлар бошланишини ҳисобга олиб ҳамда тизимли яллиғланиш предикторларининг юқори бўлиши буйрак усти безида патологик жараён ривожланишига сабаб бўлишини инобатга олган ҳолда, ўз вақтида реабилитацион даво муолажаларини ўтказиш туфайли буйрак усти бези касалликлари ривожланиши олди олиниши ҳисобига иқтисодий жиҳатдан тежамкорликка эришилди. *Хулоса:* буйрак усти бези патологияси мавжуд беморларда гипертиреоид ҳолатдан кейин без морфометрик параметрларидаги ўзгаришларни ўз вақтида аниқлаш орқали реабилитацион даво чораларини қўллаш натижасида 1 нафар бемор ҳисобига бюджет маблағларини 186 000 сўмга иқтисод қилиш имконини берган.

**Тадқиқот натижалари апробацияси.** Диссертация тадқиқот натижалари 5 та илмий-амалий конференцияда муҳокама қилинган, шулардан 2 халқаро ва 3

республика даражасида ўтказилган.

**Тадқиқот натижалари нашри.** Диссертация мавзуси бўйича жами 15 та илмий иш, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 6 та мақола, жумладан, 4 таси республика ва 2 таси хорижий илмий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, тўртта боб, хулосалар, амалий тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертация ҳажми 100 бетдан иборат.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва аҳамиятлилиги асослаб берилган, тадқиқот вазифалари, объектлари ва предметлари баён қилинган, тадқиқотнинг илмий ва амалий аҳамияти, олинган натижаларнинг ишончлилиги, уларнинг назарий ва амалий аҳамияти, амалиётга жорий қилиш, апробация ва нашр этиш натижалари ҳамда диссертация тузилиши ҳақида маълумот берилган.

Диссертациянинг «**Қалқонсимон без патологиясида ички органларнинг ўзгаришлари ва унинг олдини олишнинг чора тадбирлари**» деб номланган **биринчи бобида** мавзунинг долзарблигига асосланган ҳолда умумлаштирилган адабиёт маълумотлари келтирилган. Гипертиреоид ҳолат таъсирида буйрак усти безлари морфологиясининг ўзгаришлари тўғрисидаги маълумотлар алоҳида қисмда баён этилган. Гипертиреоид ҳолатнинг буйрак усти безларига морфофункционал таъсири, тиреотоксик интоксикация ва унинг коррекция усуллари бўйича маълумотлар тақдим қилинган.

Диссертациянинг «**Тадқиқот материаллари ва усуллари**» деб номланган **иккинчи бобида** тадқиқотда қўлланилган клиник материалларнинг умумий тавсифи келтирилган ҳамда тадқиқот усуллари баён этилган.

**Тадқиқотнинг экспериментал қисми** Бухоро давлат тиббиёт институтининг экспериментал лабораториясида ёз фаслида ўтказилди. Эксперимент 95 та оқ зотсиз каламушларда (эркак), репродуктив ёшдаги (3 ойлик – 90 кун) ва 200–250 грамм вазнга эга бўлган жониворларда амалга оширилди. Улар тўрт гуруҳга бўлинди. Назорат гуруҳи 20 каламушдан иборат эди.

Биринчи экспериментал гуруҳ (25 та каламуш) тери ости инъекцияси орқали 5,0 мкг/100г жонивор вазни миқдорида натрий левотироксин эритмасини 30 кун давомида қабул қилди (Сабанов В.И. 2017).

Иккинчи экспериментал гуруҳ (25 та каламуш) ҳам худди шундай натрий левотироксин дозасини қабул қилди ва шу билан бирга, уларга ҳар куни 1 мл зайтун мойи метал зонд орқали оғиздан киритилди (Апратин Н.А., 2016).

Учинчи экспериментал гуруҳ (25 та каламуш) натрий левотироксинни қабул қилиш билан бирга, изотоник эритмада эритилган селенни оғиздан 15 мкг/100г жонивор вазнида 30 кун давомида қабул қилди (Синдирева А.В., Майданюк Г.А., 2018).


Барча гуруҳлардаги каламушлардан тажриба ўтказилган 30-кунда уларни инсонпарварлик усули билан декапитация қилиш орқали материал олинди (120 кунлик каламушлар).

Тадқиқот усуллари: гистологик таҳлил учун буйрак усти беzi тўқимаси 10% нейтрал буферланган формалинда 12 соат давомида мустаҳкамланди. Кейин тўқималар спирт, ксилол ва қиздирилган парафин орқали ишлов берилиб, гистологик блоклар тайёрланди. Уларни микротомда 3–5 мкм қалинликда кесишди. Олинган қисмлар адгезив шишаларга жойлаштирилиб, гематоксилин-эозин ва ван-Гизон бўёқлари билан бўялди.

Иммуногистокимёвий таҳлил 3 намунада олиб борилди («назорат», «биринчи эксперимент», «учинчи эксперимент (гипертиреоид ҳолат + селен)»). Ki-67 маркери бўйича таҳлил ўтказилиб, унинг хужайра ядроларидаги мусбат бўялган фоизи ҳисобланди.

Диссертациянинг «гипертиреоид ҳолат чақирилган ҳамда зайтун мойи ва селен берилганда ҳайвонлар буйрак усти беzi морфометрик кўрсаткичлари» деб номланган учинчи боби 3 та параграфдан ташкил топган бўлиб, гипертиреоид ҳолатда ҳамда зайтун мойи ва селен берилганда каламуш буйрак усти безининг структуравий кўрсаткичлари таҳлил қилинган.


Пустлоқ стромаси таркибига коллаген тола тутамлари киради. Улар эластик хусусиятга эга бўлиб, бу қоннинг оқимини яхшилашга ёрдам беради. Назорат гуруҳ каламушларида буйрак усти беzi қопламасидаги коллаген толалар 1-расмда кўрсатилган.



**1-расм. Назорат гуруҳидаги каламушлар буйрак усти беzi капсуласининг коллаген тола тутамлари: 1-буйрак усти беzi капсуласи. 2-буйрак усти беzi капсуласидаги коллаген тола тутамлари. 3-коптокчасимон зона. 4-тутамсимон зона. Ван-Гизон бўйича бўялган. Ок. 10 х об. 20.**

Назорат гуруҳидаги каламушларда капсула қават қопламасининг қалинлиги ўртача –  $18,5 \pm 0,55$  мкм, капсула коллаген тола тутамларининг қават қалинлиги ўртача –  $11,7 \pm 0,52$  мкмни ташкил этди. Биринчи экспериментал гуруҳ: бўйрак усти безининг капсула қалинлиги ўртача —  $25,5 \pm 0,74$  мкм, коллаген толалар тутами қалинлиги —  $14,0 \pm 0,43$  мкм. Гипертиреоид ҳолатдаги каламушларга зайтун мойи берилганда: бўйрак усти безининг капсула қалинлиги ўртача —  $23,0 \pm 0,74$  мкм, коллаген толалар тутами қалинлиги —  $13,2 \pm 0,46$  мкм. Гипертиреоид ҳолатдаги каламушларга селен берилганда: бўйрак усти безининг капсула қалинлиги ўртача —  $21,7 \pm 0,55$  мкм, коллаген толалар тутами қалинлиги —  $12,8 \pm 0,39$  мкм.

Биринчи экспериментал гуруҳда капсула қопламасидаги коллаген тола тутамларида бўшашиш ва тарқоқ ҳолат кузатилди (2 - расм).



**2-расм. Каламушларнинг буйрак усти безида 1-эксперимент гуруҳида коллаген тола тутамлари: 1-буйрак усти беи капсуласи. 2-буйрак усти безидаги коллаген толаларининг тутамлари. 3-буйрак безининг коптокчасимон ҳудуди. 4-тутамсимон ҳудуди. Ван-Гизон бўяш усули. Ок.10 х об. 40.**

1-жадвалда назорат ва экспериментал гуруҳлардаги каламушлар капсула қалинлиги ҳамда капсула коллаген тола тутамлари қалинлик кўрсаткичлари келтирилган.

#### 1-жадвал

#### Назорат ва тажриба гуруҳларидаги каламушларнинг буйрак усти безлари капсуласи ва коллаген тола тўпламларининг рақамли қийматлари (мкм да), $M \pm m$

Гуруҳлар	Буйрак усти беи капсула қалинлиги	Коллаген тола тутамлари	
		Капсулада	Мағиз қисмида
Назорат	18,5±0,55	12,2±0,61	4,0±0,26
1-эксперимент	25,5±0,74*	14,0±0,43*	4,4±0,17
2-эксперимент	23,0±0,74*	13,2±0,46	4,2±0,23
3-эксперимент	21,7±0,55*	12,8±0,39	4,0±0,23

Изоҳ: \* - экспериментал гуруҳларнинг назорат гуруҳига нисбатан ишончлилик даражаси кўрсатилган ( $p < 0,05$ ).

Каламушларда гипертиреоид ҳолат шароитида буйрак усти беи капсуласи қалинлиги 43,0% га ошади. Буйрак усти беи капсуласидаги коллаген тола тутамлари қалинлиги назорат гуруҳидаги ҳайвонларга нисбатан 36,7% га ошади. Буйрак усти беи капсуласи қалинлиги левотироксин натрий ва зайтун мойи гуруҳида 9,8% га камаяди, левотироксин натрий ва селен берилганда эса қалинлик левотироксин натрий олган каламушлар гуруҳига нисбатан 14,9% га камайган.

Каламушларнинг буйрак усти беи пўстлок ва мағиз қатламларида ҳажм ўрганилганда, назорат гуруҳида буйрак усти беи пўстлок қисмининг коптокчасимон зонаси ҳажми ўртача  $3,0 \pm 0,14 \text{ мм}^3$  ни ташкил этди, гипертиреоид ҳолат шароитида эса ўртача буйрак усти беи пўстлок қавати коптокчасимон зонаси ҳажми ўртача  $4,1 \pm 0,15 \text{ мм}^3$  ни ташкил этди. Иккинчи экспериментал гуруҳда ҳажм ўртача  $3,7 \pm 0,07 \text{ мм}^3$  ни ташкил этди. Учинчи экспериментал гуруҳда

коптокчасимон зона ҳажми ўртача  $3,5 \pm 0,14 \text{ мм}^3$  ни ташкил этди.

Буйрак усти беши пўстлок қавати тутамсимон зонаси ҳажми назорат гуруҳида ўртача  $15,1 \pm 0,29 \text{ мм}^3$  ни ташкил этди, биринчи экспериментал гуруҳида буйрак усти беши пўстлок қавати тутамсимон зонаси ҳажми ўртача  $18,1 \pm 0,46 \text{ мм}^3$  ни ташкил этди. Иккинчи экспериментал гуруҳида ҳажм ўртача  $16,6 \pm 0,29 \text{ мм}^3$  ни, учинчи экспериментал гуруҳида эса ўртача  $16,0 \pm 0,29 \text{ мм}^3$  ни ташкил этган (2-жадвал).


Буйрак усти беши пўстлок қавати тўрсимон зонаси ҳажми назорат гуруҳида ўртача  $2,4 \pm 0,07 \text{ мм}^3$  ни ташкил этган, гипертиреоид ҳолат шароитида эса ўртача  $3,0 \pm 0,07 \text{ мм}^3$  ни ташкил этган. Иккинчи экспериментал гуруҳида тўрсимон зона ҳажми ўртача  $2,7 \pm 0,14 \text{ мм}^3$  ни, учинчи экспериментал гуруҳида эса ўртача  $2,6 \pm 0,14 \text{ мм}^3$  ни ташкил этган.

Буйрак усти безининг мағиз қавати хужайралари юпқа қирраларга эга бўлган пластинка шаклида бўлиб, улар бириктирувчи тўқима стромасининг ички қисмида жойлашган. Бу тўқима толалари марказий веналар билан боғланган ва бириктирувчи тўқимаси ораларига кириб борган.

Назорат гуруҳида буйрак усти беши мағиз қаватидаги коллаген тола тутамларининг қалинлиги ўртача  $3,8 \pm 0,17 \text{ мкм}$  ни ташкил этган. Биринчи экспериментал гуруҳида буйрак усти беши мағиз қаватидаги коллаген тола тутамларини қалинлиги ўртача  $4,4 \pm 0,17 \text{ мкм}$  ни ташкил этган.


Мағиз моддасининг хромаффин хужайралари четлари йўғон бўлиб, ипсимон шакли эслатади. Ушбу хужайралар боғловчи тўқималар стромасидаги хужайраларда жойлашган бўлиб, улар марказий вена қаватига боғланган ва буйрак усти безининг тўқималари ичига кириб борган.

Ҳар бир бириктирувчи тўқима хужайрасининг ичида 2-6 та хужайра мавжуд. Хужайралар цилиндрсимон, кубсимон ёки полигонал шаклларда бўлади. 3-расмда учинчи экспериментал гуруҳидаги каламушларнинг буйрак усти беши пўстлок қавати тўрсимон зонаси кўрсатилган.



**3-расм. Учинчи экспериментал гуруҳ каламушларининг буйрак усти беши капсуласининг тузилиши: 1-буйрак усти беши капсуласи; 2-коптокчасимон зона; 3-эндокриноцитлар; 4-тутамсимон зона. Гематоксилин-эозин бўйича бўялган. Ок.10 х об. 40.**

Гистологик препаратларнинг ранг бериш хусусияти сабабли, бу хужайралар хромаффин деб номланган. 4-расмда тажриба гуруҳидаги каламушларнинг буйрак усти безининг мағиз қаватлари кўрсатилган. Унда хромаффин хужайраларининг бошқа қаватларга нисбатан жойлашуви акс этган.



**4-расм. Иккинчи тажриба гуруҳидаги каламушлар буйрак усти безининг мағиз қавати коллаген тола тутамлари: 1-хромаффин хужайралар, 2-эндокриноцит 3-тўрсимон зона. 4-коллаген тола тутамлари. Ван-Гизон бўёғи билан бўялган. Ок. 10 х об.25.**

Шу тариқа, каламушларнинг буйрак усти безининг пўстлок ва мағиз қатлами ҳажми зайтун ва селен кўшилган гуруҳларида левотироксин натрий берилган гуруҳга нисбатан камаяди. Шунингдек, буйрак усти бези пўстлок қаватида учинчи экспериментал гуруҳда тутамсимон зонада ҳажми 8,3% дан тўрсимон зонада 10,7% гача камаяди.

Мағиз қатламида буйрак усти бези ҳажми 2,9% га камаяди.

## 2-жадвал

### Каламушлар буйрак усти бези қаватлари ҳажми (пўстлок ва мағиз қавати), $M \pm m$

Гуруҳ \ Майдон	Пўстлок (в мм <sup>3</sup> )			Мағиз (в мм <sup>3</sup> )
	Коптокчасимон	Тутамсимон	Тўрсимон	
1-эксперимент	4,1±0,15*	18,1±0,46*	3,0±0,07*	3,5±0,23
2-эксперимент	3,7±0,07*	16,6±0,29*	2,7±0,14	3,4±0,07*
3-эксперимент	3,5±0,14*	16,0±0,29*	2,6±0,14	3,0±0,07
Назорат	3,0±0,22	15,0±0,22	2,4±0,14	2,9±0,07

*Изоҳ: \* - экспериментал гуруҳларнинг назорат гуруҳига нисбатан ишончлилик даражаси кўрсатилган ( $p < 0,05$ ).*

Назорат гуруҳида каламушларнинг коптокчасимон зонасидаги кортикостероцит хужайралари зичлиги ўртача — 18,0±0,98% ни ташкил қилади. Гипертиреоид ҳолат моделлаштирилганда, буйрак усти безининг пўстлок қавати хужайралари ва уларнинг ядроси бир-биридан узоклашади. Биринчи экспериментал гуруҳда коптокчасимон зонаси хужайралари зичлиги ўртача — 11,9±0,61% га тенг.

Тутамсимон зонасида назорат гуруҳида адренкортикоцит хужайралари зичлиги ўртача — 54,2±1,15% ни ташкил қилади. Гипертиреоид ҳолатида хужайралар зичлиги ўртача — 32,5±0,70% га тенг. Буйрак усти безининг турсимон зонаси хужайралари ҳам турли йўналишларда кетувчи толалар ҳосил қилади. Тўрсимон зонасида хужайралар тутамсимон зонасидаги хужайраларга нисбатан кичикроқ бўлиб, уларнинг гомоген цитоплазмаси янада интенсив бўялган. Буйрак усти безининг турсимон зонасида хужайра ядро зичлиги ўртача — 59,1±1,10% ни

ташқил этади. Биринчи экспериментал гуруҳда турсимон зонасидаги адренкортикоцит хужайра ядро зичлиги ўртача —  $38,5 \pm 1,22\%$  га камаяди.

Буйрак усти безининг мағиз қаватидаги хужайра зичлиги назорат гуруҳида ўртача —  $15,0 \pm 0,66\%$  ни ташқил қилади. Левотироксин билан захарланган ҳолда мағиз қаватининг хужайра зичлиги ўртача —  $10,3 \pm 0,50\%$  га тенг бўлган. 3-жадвалда буйрак усти безининг пўстлок ва мағиз қаватидаги хужайра зичлиги кўрсатилган.

### 3-жадвал

#### Каламушларнинг буйрак усти безининг пўстлок ва мағиз қаватидаги хужайра зичлиги (%)

Гуруҳлар	Пўстлок қавати зоналари			Мағиз қавати
	Коптокчасимон	Тутамсимон	Тўрсимон	
Назорат	$17,6 \pm 0,98$	$453,3 \pm 1,15$	$58,4 \pm 1,10$	$14,5 \pm 0,66$
1-эксперимент	$13,4 \pm 0,57^*$	$41,0 \pm 0,49^*$	$43,1 \pm 0,90^*$	$12,0 \pm 0,41^*$
2-эксперимент	$15,9 \pm 0,78$	$47,8 \pm 1,04^*$	$50,2 \pm 0,78^*$	$13,5 \pm 0,44$
3-эксперимент	$16,5 \pm 0,96$	$50,2 \pm 0,70^*$	$53,0 \pm 0,87^*$	$14,0 \pm 0,61$

*Изоҳ: — экспериментал гуруҳлар назорат гуруҳига нисбатан ишончлилик даражаси ( $p < 0,05$ ). \**

Шундай қилиб, буйрак усти безининг пўстлок ва мағиз қаватидаги хужайралар зичлигини ўрганиш гипертиреоид ҳолатни моделлаштириш экспериментида пўстлок қаватида хужайралар зичлиги коптокчасимон зонасида  $34,0\%$  дан пўчоқ зонасида  $40,0\%$  гача камайгани, мағиз қаватида эса хромаффин хужайралар  $31,3\%$  га камайганини кўрсатди.

Буйрак усти безининг микромирларини ўрганиш шуни кўрсатдики, назорат гуруҳида каламушларда артериолалар, венулалар ва капиллярларнинг ички диаметри ҳамда девор қалинлиги мағиз қаватида пўстлок қаватига қараганда каттароқ бўлган. Биринчи экспериментал гуруҳда буйрак усти беги микромирларини солиштириш натижасида пўстлок қаватида венулалар диаметри, мағиз қаватида эса артериолалар диаметри ошгани аниқланди.

Шунингдек, иккинчи экспериментал гуруҳда каламушларда артериолалар, венулалар ва капиллярларнинг ички диаметри ҳамда девор қалинлиги мағиз қаватида пўстлок қаватига қараганда каттароқ эканлиги тасдиқланди. Учинчи экспериментал гуруҳларнинг буйрак усти беги микромирларини ўрганиш натижаси шуни кўрсатдики, пўстлок қаватида венулалар диаметри, мағиз қаватида эса артериолалар диаметри ҳамда пўстлок қаватида капиллярлар диаметри ошган. Бундан ташқари, мағиз қаватида артериола деворининг қалинлиги камайган, пўстлок қаватида эса венула ва капиллярлар деворининг қалинлиги камайган.

Каламушларда биринчи экспериментал гуруҳда буйрак усти беги пўстлок қаватининг умумий кенглиги ўртача —  $732,5 \pm 8,19$  мкм ни ташқил этади. Гипертиреоид ҳолатидаги каламушларга зайтун ёғи юборилганда, пўстлок қаватининг умумий кенглиги ўртача —  $699,3 \pm 6,9$  мкм ни ташқил этган.

Учинчи экспериментал гуруҳда (селен юборилганда) умумий кенглик ўртача —  $663,6 \pm 9,10$  мкм га тенг бўлган. 4-жадвалда буйрак усти безининг пўстлок ва мағиз қавати морфометрик кўрсаткичлари келтирилган.

Мағиз қаватининг кенглиги биринчи экспериментал гуруҳда ўртача —  $202,8 \pm 5,98$  мкм ни, иккинчи экспериментал гуруҳда ўртача —  $190,3 \pm 6,44$  мкм ни,

учинчи экспериментал гуруҳда эса ўртача —  $177,3 \pm 4,80$  мкм ни ташкил қилган.

Шундай қилиб, буйрак усти безининг морфометрик кўрсаткичларини ўрганиш шуни кўрсатдики, иккинчи экспериментал гуруҳда умумий кенглик тўрсимон зонасида 9,0% га, мағиз қаватида эса 6,0% га камайган.

Учинчи экспериментал гуруҳда пустлоқ зонаси кенлиги тўрсимон зонасида 15,8% га, мағиз қаватида эса 12,6% га камайгани назорат гуруҳига нисбатан аниқланган.

Хулоса: морфометрия натижалари шуни кўрсатдики, иккинчи тажриба гуруҳида умумий қалинлик тўрсимон худудида 9,0% га, мағиз худудида эса 6,0% га камайди. Учинчи тажриба гуруҳида бу кўрсаткич тўрсимон худудида 15,8% га, мағиз худудида эса 12,6% га камайган.

#### 4-жадвал

### Буйрак усти безларининг пўстлоқ ва мағиз қаватларининг морфометрик кўрсаткичлари (мкмда), $M \pm m$

Зоналар Гуруҳлар	Пўстлоқ қисми қалинлиги			Пўстлоқ қавати умумий қалинлиги	Мағиз қавати қалинлиги
	Коптокчасимон	Тутамсимон	Тўрсимон		
1 тажриба	$92,5 \pm 1,47^*$	$491,3 \pm 6,44^*$	$148,7 \pm 2,94^*$	$732,5 \pm 8,19^*$	$202,8 \pm 5,98^*$
2 тажриба	$89 \pm 1,38^*$	$475,0 \pm 6,9^*$	$135,3 \pm 2,76^*$	$699,3 \pm 6,9^*$	$190,3 \pm 6,44^*$
3 тажриба	$83,4 \pm 0,74^*$	$455,4 \pm 6,40^*$	$125,2 \pm 3,70^*$	$663,6 \pm 9,10^*$	$177,3 \pm 4,80^*$
